



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 31.01.2022 г. № 1

между "Шахсий архив таркиби" и Бухоро шаҳар МТБ на общую сумму 60000000,00

Глава 251
Казначейский лицевой счёт 100022860064017098602251003

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4299990			
Январь				
Февраль	60 000 000,00			60 000 000,00
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	60 000 000,00			60 000 000,00

Всего 60000000,00 сум

Шестьдесят миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 60000000,00 сум или 100,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в феврал мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(Handwritten signature)
(подпись)

Хамроев Абдурахмон Каримович
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(Handwritten signature)
(подпись)

Акобиров Кандиёр Рамазонович
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(Handwritten signature)
(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

**Хужжатларга илмий-техникавий ишлов бериш ҳамда давлат
сақловига қабул қилиш учун
Ш А Р Т Н О М А № 1**

2022 йил 31.01

Бухоро шаҳри

“Архив иши тўғрисида”ги ҳамда “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Республика давлат архивлари томонидан корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг хужжатлари ва йиғмажилдларни тартибга келтириш бўйича шартнома асосида бажариладиган ишлар ва хизматлар У-18-04-71 Нархномасига мувофиқ Бухоро шаҳар шахсий таркиб хужжатлари давлат архиви номидан Ташкилотларнинг хужжатларини шартнома асосида тартибга келтириш бўлими Низоми асосида фаолият кўрсатувчи Бухоро шаҳар шахсий таркиб хужжатлари давлат архиви директори, бундан буён “ИЖРОЧИ” деб юритилувчи бир тарафдан

бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб юритилувчи, иккинчи тарафдан мазкур шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. “ИЖРОЧИ” “БУЮРТМАЧИ”нинг буюртмасига кўра ушбу шартнома амалда бўлган муддат

ичида _____

_____ (корхона номи)
жамланилган _____ йиллардаги архив хужжатларини тартибга келтириш ва илмий-техникавий ишлов бериш, ҳамда давлат сақловига қабул қилиш ишлари (бундан буён матнда хизматлар деб юритилади) ни бажариш, “БУЮРТМАЧИ” эса бажарилган хизматларни қабул қилиш ва “ИЖРОЧИ”га шартномада келишилган кийматда хизматлар ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

**2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ СУММАСИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

2.1. Бажарилган ишларнинг ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзбошархив” бошқармаси томонидан қабул қилинган У-18-04-71-рақамли Нархнома ҳамда нархнома қисмларига тузатиш коэффицентини киритиш тўғрисидаги “Ўзархив” агентлигининг Кўрсатмасига асосан белгиланади.

2.2. “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 4 августдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси Қоидалари”га асосан ушбу шартнома белгиланган тартибда вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгач қонуний кучга кирган ҳисобланади, ҳамда шартнома имзоланган йилнинг охирига санасига қадар амалда бўлади.

2.3. Бажарилган хизматлар бўйича ҳар икки томон иштирокида тегишли далолатнома тузилади.

2.4. Бажариладиган хизматлар учун шартноманинг умумий қиймати Нархнома асосида шартноманинг иловасига мувофиқ _____ сўмни ташкил этади.

2.5. Шартнома Бухоро вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгач “БУЮРТМАЧИ” кўрсатиладиган хизматлар учун умумий сумманинг 30 фоизи миқдорда тўловни “ИЖРОЧИ”га 15 банк кўни мобайнида пул ўтказиш йўли билан тўлаб беради ва бажарилган хизматларни қабул қилиш оралиқ, ҳамда якуний далолатномаси тарафлар томонидан имзолангандан кейин қолган 70 фоиз тўловни тўлаб боради.

2.6. Тўловлар пул кучириш йўли билан нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

2.7. Шартнома, унинг иловаси ҳамда Нархномада назарда тутилмаган хизматларнинг баҳоси Республика давлат архивлари томонидан муассасалар, ташкилотлар, корхоналар ва йиғмажилдларини тартибга келтириш бўйича шартнома асосида бажариладиган ишлар ва хизматлар Нархномасининг 6-бандига мувофиқ “БУЮРТМАЧИ” билан келишилган ҳолда шартномага қўшимча калькуляцияга киритилиб, хизматларнинг таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2.8. Иловада кўрсатилган хизматлар асосий хизмат турлари ҳисобланиб назарда тутилмаган хизматлар тарафларнинг келишувига асосан белгиланади ва хизмат учун ҳақ тўланади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Шартнома қонун ҳужжатлари талаблари ва ушбу шартнома шартларига тўлиқ амал қилинган ҳолда бажарилиши лозим.

3.2. “БУЮРТМАЧИ” томонидан шартноманинг 2.5-бандида кўрсатилган аванс тўлови “ИЖРОЧИ”нинг ҳисоб-рақамига тушгандан сўнг, “ИЖРОЧИ” белгиланган хизматларни бажаришга киришади.

3.3. Шартнома мажбуриятларини бажаришдан бир томонлама бош тортиш, ёхуд унинг шартларини бир томонлама ўзгартириш ёки бекор қилишга йўл қўйилмайди.

3.4. Хизматларни қабул қилиш ва топшириш бўйича якуний топшириш ва қабул қилиш далолатнома шартнома тарафлари томонидан имзоланган сана, шартнома мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

3.5. Шартнома имзоланган йилнинг охирига санасига қадар амалда бўлади.

3.6. Бажариладиган ишларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда муддат белгиланиши лозим.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “ИЖРОЧИ”нинг ҳуқуқлари:

- бажарилган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўланиши ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилиниши “БУЮРТМАЧИ”дан талаб қилиш;

- бажарилган хизматларни қабул қилиш “БУЮРТМАЧИ” томонидан асоссиз рад этилганда, “БУЮРТМАЧИ”нинг ҳаракатлари устидан унинг юқори ташкилотига эътироз билан мурожаат қилиш, низо ҳал этилмаган тақдирда, бажарилган хизматлар ҳақини ундириш бўйича иқтисодий судга белгиланган тартибда даъво киритиш;

- “БУЮРТМАЧИ” томонидан тўлов кечиктирилган тақдирда, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,01 фоиздан, бироқ тўланмаган сумманинг 10 фоиздан ошмаган миқдорда пеня ҳисоблаш;

- хизматларни бажаришда айрим турдаги ишларни бажариш юзасидан “БУЮРТМАЧИ” кўмагидан фойдаланиш;

4.2. “ИЖРОЧИ”нинг мажбуриятлари:

- шартнома белгиланган тартибда Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан, шунингдек шартноманинг 2.5-бандида кўрсатилган аванс тўлови ўтгандан сўнггина хизматларни кўрсатишни бошлаш;

- шартномада белгиланган муддатда хизматларни сифатли бажарилишини таъминлаш ва уларни вақтида топшириш;

- Давлат архивларида доимий сақланадиган йиғмажилдларни танлаб олиш ва бундан кейин сақланмайдиган ҳужжатларни аниқлаш мақсадида доимий ва вақтинчалик сақланадиган ҳужжатларнинг илмий ва амалий қимматини экспертиза қилиш;

- “БУЮРТМАЧИ”га хизматларни ушбу шартномада белгиланган тартибда топшириш;

- Хизматларни кўрсатишда шартнома шартларидан чекланишларга йўл қўйилса, “БУЮРТМАЧИ”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 15 кун муддатда бепул бартараф этиш чораларини кўради.

4.3. “БУЮРТМАЧИ”нинг ҳуқуқлари:

- хизматларни бажаришда айрим ишларни бепул бажаришга кўмаклашиш;

- хизматларни бажариш жараёнининг ҳар қандай босқичида ишланаётган ҳужжатлар бўйича зарур бўлган маълумотларни олиш;

4.4. “БУЮРТМАЧИ”нинг мажбуриятлари:

- хизматларни шартномада белгиланган тартиб ва сифатда бажарилиши учун “ИЖРОЧИ”ни ишларни бажариши учун барча шароитлари (қулай, кенг, ёруғ, иссиқ ёки совуқ) мужассам бўлган иш жойи билан таъминлаш;

- “ИЖРОЧИ”нинг ушбу ташкилот биносига кириб чиқишини таъминлаш;

- бажарилган хизматларни шартномада белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ва бу ҳақда “ИЖРОЧИ” томонидан расмийлаштирилган далолатномани имзолаш;

- қабул қилинган хизматлар учун шартномада белгиланган тўловни амалга ошириш;

- “ИЖРОЧИ”нинг кунлик давомади устидан назоратни олиб бориш;

- Архив ҳужжатларини илмий-техник ишловдан ўтказиш учун керак булган зарур микдордаги буюмлар (мукова, картон, қоғоз, каноп, ип, елим ва хоказо), шунингдек хизматини амалга ошириши учун замон талабига жавоб берадиган компьютер воситаси билан таъминлаш.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Шартномада назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

5.2. Мазкур шартномани бажариш мобайнида юзага келган ҳар қандай низолар ва келишмовчиликлар дастлаб тарафлар томонидан музокара олиб бориш йўли билан ҳал қилинади.

5.3. Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келиб чиккан низони ҳал этиш учун Бухоро туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш мумкин.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда Бухоро вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгач қонуний кучга кирган ҳисобланади ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур шартнома томонларнинг ёзма равишда тузилган келишувига ёки бирон бир томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг ёзма талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

7.2. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, томонларнинг ёзма шаклдаги қўшимча келишувлари асосида амалга оширилади. Қўшимча келишув тегишли тартибда Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгач ҳақиқий ҳисобланади.

7.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва Ғазначилик бошқармаси учун уч нусхадан имзоланиб, уларнинг ҳар бири тенг юридик кучга эга.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“ИЖРОЧИ”	“БУЮРТМАЧИ”
Бухоро шаҳар шахсий таркиб	Бухоро шаҳар МТБ
ҳужжатлари давлат архиви	Э. Мушмов - 2 қў
Бухоро шаҳри Кўксарой кўчаси 129-уй	221-04-94
Тел: +99891440-81-38	ИНН: 305158954
Ҳисоб рақами 20210000204764644001	Марказий банк
ИНН 206994352 МҒО 00086	10022860064017091100251070
Бухоро шаҳар шахсий таркиб ҳужжатлари	1002286006401709892251003
давлат архиви директори в.в.б	М. А. Хайроев
Г.Ризаева	
Имзо:	

НАРХНОМАСИ

Т/р	Хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Базавий ҳисоблаш миқдорининг баравари (270000с)	Бажари лган иш ҳажми	Суммаси
1	2	3	4	5	6
1.6. Ҳужжатларнинг илмий-амалий қимматлилиги экспертизасини амалга ошириш:					
1.6.1.	Ҳужжатларнинг илмий-амалий қимматлилиги экспертизасини варақма-варақ кўриб чиқиб амалга ошириш	1 с.б.	0,02	4500	24 300 000
1.7. Тартибга келтирилмаган (тарқок) ҳужжатлар тўпламидан йиғмажилдларни шакллантириш ва уларни қайтадан шакллантириш:					
1.7.1.	Тартибга келтирилмаган (тарқок) ҳужжатлар тўпламидан бошқарув йиғмажилдларни шакллантириш	1 варақ	0,001x150	240	9 720 000
1.10.	Йиғмажилдлар варақларни тизимлаштириш	1 варақ	0,001x150	240	9 720 000
1.14	Йиғмажилдлар сарлавҳасини таҳрир этиш	1 сарлавҳа	0,005	240	324 000
1.21 Рақамланган варақларни текшириш, қайта рақамлаш:					
1.21.2	Варақларни қайта рақамлаштириш	1 варақда	0,0002x250	240	324 000
1.22	Йиғмажилдлар муқовасин ёки титул варақларни расмийлаштириш	1 с.б.	0,02	240	1 296 000
1.23	Ташкилот фонди ичида йиғмажилдларни тизимлаштириш	1 с.б.	0,002	240	129 600
1.24	Йиғмажилдлар муқовасига архив рақамларини қўйиб чиқиш	1 с.б.	0,002	240	129 600
1.27.Йиғмажилдлар рўйхатини тузиш ва расмийлаштириш:					
1.27	Йиғмажилдлар рўйхатини тузиш	1 сарлавҳа (позиция)	0,007	240	453 600
1.27.2.	Йиғмажилдлар рўйхатини расмийлаштириш	1 рўйхат	0,24	3	194 400
1.28.Рўйхатларга илмий-маълумот аппаратини тузиш (сўзбоши, қисқартирилган сўзлар рўйхати, кўрсаткичлар ва бошқалар):					
1.28.	Рўйхатларга сўз боши тузиш	1 ИМА	3	1	810 000
1.31. Сақлаш муддати тугаган ҳужжатларга, топилмаган, жисмоний зарарланган ҳужжатларга далолатномалар тузиш:					
1.31.1.	Сақлаш муддати тугаган ҳужжатларга далолатномалар тузиш	1 далолатнома	0,24	1	64 800
1.32.	Бажарилган ишлар далолатномасини тузиш	1 далолатнома	0,24	1	64 800
4.5	Йиғмажилдларни тикишга тайёрлаш ва тикиш	1 с.б.	0,002	600	324 000
1.36.	Идоравий архивларда етмиш беш йил мобайнида сакланиши лозим бўлган фуқаролик ҳолати	1 с.б. 1 йил учун	0,03	1500	12 150 000

	далолатномалари ёзувлари, нотариал харакатлар ёзувлари, шахсий таркиб буйича хужжатлар, суд ишлари ва хужалик китобларини вақтинча ёки муддатидан олдин давлат архивлари сакловига қабул қилиш				
ЖАМИ		60 004 800 сўм			

Бажарувчи:



**Бухоро шаҳар шахсий
таркиб хужжатлари
давлат архиви директори
Г.Ризаева**
М.у.

Буюртмачи:



**Бухоро шаҳар Мактабгача
таълим бўлими
раҳбари
А.Хамраев**
М.у.